O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI

NAMANGAN MUHANDISLIK-QURILISH INSTITUTI

“Yangi O‘zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishning dolzarb masalalari”

mavzusida Respublika miqyosidagi ilmiy-amaliy konferensiya

I

Namangan shahar, 2022-yil

“Yangi O‘zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishning dolzarb masalalari” mavzusida Respublika miqyosidagi ilmiy-amaliy konferensiya materiallari I-to‘plami

To‘plamga 2022 yil 29-30 sentyabr kunlari institutda o‘tkazilgan **“Yangi O‘zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishning dolzarb masalalari”** mavzusida Respublika miqyosidagi ilmiy-amaliy konferensiya ishtirokchilarining I va II sho‘ba ilmiy ma’ruza materiallari kiritilgan.

NamMQI, 29-30 sentyabr, 2022 yil, Namangan shahri

Tahrir hay’ati:

t.f.n., dots.Sh.T.Ergashev, f-m.f.d., dots.M.Dadamirzayev, i.f.d., dots.O.A.Aripov, i.f.n., dots.I.Q.Sirojiddinov, i.f.d., dots.B.J.Mahmudov, i.f.d., dots.N.Sotvoldiyev, i.f.n., dots.M.Yu.Isakov, i.f.n., dots.A.Ya.Yuldashev, i.f.n., dots.R.A.Botirova, i.f.n.,dots.X.Talabbayev, PhD.U.T.Fayzullayev, E.S.Jurayev, U.A.Xolmirzayev, Sh.X.Ibrogimov, D.Umurzakov, I.V.Hojiboyeva, N.Nosirova, O.Boyturayev, M.Mahmudov

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining IT-texnologiyalar, telekommunikatsiyalar va innovatsion faoliyatni rivojlantirish masalalari departamentining 2022-yil 30-maydagi 08/8-8-son, Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligining 2022-yil 1-iyundagi 3/19-2/6-221-sonli xatlari hamda institut rektorining 2022 yil 1 iyundagi 126/1-u-sonli buyrug‘i bilan tasdiqlangan ilmiy-tadbirlar rejasiga asosan o‘tkazildi.

ҳамкорликнинг самарали институционал воситаларини яратиш (грантлар, шартномалар, ҳамкорлик шартномалари ва бошқалар);

- мамлакат, ҳудудлар ва корхоналарнинг инновацион ривожланишини мониторинг қилиш ва назорат қилиш тизимини жорий этиш.

Шундай қилиб, замонавий шароитда миллий инновацион тизимни яратишни стратегик вазифа деб ҳисоблаш мумкин, уни ҳал қилиш кўп жиҳатдан давлатнинг сиёсий тузилишига боғлиқ.

Шу билан бирга, инновацион тизимларни ривожлантиришда ҳокимият ва бошқарув органларининг асосий вазифаси фирмалар учун илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, инновацияларни жорий этиш, шунингдек, миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун рағбатлантиришни яратиш, ўртасидаги самарали муносабатларни таъминлашдан иборат. Инновациялар, биринчи навбатда, мамлакат саноат мажмуаси томонидан талаб қилиниши керак.

Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш моделларини яратишга турли ёндашувлар инновациялар ва ривожланишни давлат томонидан тартибга солиш шакллари, воситалари, усулларини танлашни олдиндан белгилаб беради. Миллий инновацион тизимнинг ишлаш хусусиятлари кўплаб омиллар билан белгиланади. Шунинг учун тасвирланган тушунчалар ва стратегиялардан, уларнинг таркибий қисмларидан фойдаланиш миллий корхоналар фаолияти учун маълум шароитларда кўплаб ривожланиш вариантлари пайдо бўлишини рағбатлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бунчук, М.А. Национальные инновационные системы: основные понятия и приложения (по материалам зарубежных авторов). [Электронный ресурс] / М.А.Бунчук. Режим доступа:

2. Инновационные контуры мировой экономики: (Прогноз развития на 2000-2015 гг.) [Текст] / М.В. Грачев, А.А. Дагаев, А.А. Дынкин и др.; РАН. Ин-т мировой экономики и междунар. отношений. – М., 1999. – 81 с.

3. Трифилова, А.А. Оценка эффективности инновационного развития предприятия [Текст] / А.А. Трифилова. М.: Финансы и статистика, 2005. – 304 с.

МАМЛАКАТИМИЗДА ЯРАТИЛАЁТГАН ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

и.ф.д.доцент Абдумалик Бектемиров, стажёр ўқитувчи Озодбек Жумақулов
(Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти)

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ижтимоий салоҳиятни оширишда, туб аҳолини муносиб турмуш даражаси билан таъминлашга ҳаракат қилмоқдалар. Бунинг учун эса улар ўз иқтисодиётини мунтазам модернизация қилиб боришга мажбурдирлар. Чунки глобаллашув жараёнлари жадаллашиб бораётган бугунги кунда дунё бозорида ўз ўрнига эга бўлиш ва кучли рақобатга бардош берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва янги хизматлар турларини яратишни ҳамда мавжуд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни инновациялар

асосида такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон ва жаҳон иқтисодиётининг келгуси тараққиқоти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини бугунги кунда деярли ҳар бир мутахассис ва хўжалик юритувчи субъект англаб етганлигини назарда тутсак, хозирги кунда Республикамиз иқтиодиётига инвестицияларни, хусусан, чет эл инвестицияларини кенгроқ жалб этиш уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланганлиги билан боғлиқлигини тушуниб олиш қийин эмас. Хозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизмларини жорий этиш ва инвестицион муҳитни янада яхшилаш иқтисодий ривожланиш соҳасида энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақтдан ва имкониятлардан самарали фойдаланишга, турли хил рискларни, мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда бойликларни самарали жойлаштириш ва шу йўл билан республика иқтисодиётини кўтаришга хизмат қилиши лозим.

Муаян мамлакат иқтисодиётининг инвестиция муҳитига баҳо беришда инвестицияларнинг нафақат ҳажми ёки миқдор кўрсаткичларига шу билан бирга, уларнинг сифат кўрсаткичларига (шакли, тури, ижтимоий-иқтисодий самараси ва бош.) ҳам алоқасида эътибор қаратилади. Агар иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичларидан республикага жалб қилинган ва ўзлаштирилган инвестицияларнинг аксарияти бевосита давлат иштирокидаги инвестицияларни ташкил этган бўлса, бугунги кунда билвосита, яъни тўғридан-тўғри инвестицияларнинг улуши тобора ортиб бормоқда. Биргина 2020 йил якунлари бўйича молиявий ҳисобнинг манфий сальдоси 4,0 млрд. долларни ташкил этди (2019 йилга нисбатан пасайиш 1,0 млрд. доллар). Молиявий ҳисоб дефицитининг сақланиб қолишига асосий сабаб кредитлар ва қарзлар бўйича норезидентлар олдидаги мажбуриятларни 7,1 млрд. долларга (шундан 3,3 млрд. доллар давлат секторига тўғри келмоқда), тўғридан-тўғри инвестицияларнинг 1,7 млрд. долларга ортиши ҳамда давлат ва банк секторлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар эвазига портфель инвестицияларнинг 1,4 млрд. долларга ўсишига сабаб бўлди.

Жорий йилда халқаро заҳира активлари операциялари бўйича номонетар олтин сотилиши ҳисобига валюта компонентида 1,8 млрд. доллар миқдоридаги сезиларли ўсиш кузатилди. Бундай иқтисодий ўсишнинг омиллари сифатида мамлакатда яратилган инвестиция муҳитининг ўзига хос тавсифларини келтириб ўтиш мумкин. Уларга ҳуқуқий ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллардан иборат бўлган комплекс тавсифлари киради. Хусусан ҳуқуқий тавсифлардаги омилга эътибор қаратадиган бўлсак биргина жорий йил давомида ушбу йўналишдаги сай-ҳаракатлар яна иккита муҳим хужжат билан такомиллаштирилди.

Жумладан мамлакатимизда “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусан мулкни ҳар томонлама химоя қилишга

ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари қабул қилинди.

Мазкур ҳуқуқий омиллар шубҳасиз инвестиция муҳитини янада қулай ва жозибадор қилишга ижобий ижобий тасир кўрсатади. Мана шундай ҳуқуқий ижтимоий-иқтисодий тавсуфдаги омилларни туман, шаҳар ва вилоятлар кесимида янада ривожлантириш ва такомиллаштириш имкониятлари ҳам жуда кенг. Улар ўз моҳият эътибори жиҳатидан кластер хусусиятига эга бўлган тасниф ва тавсифларни ўз ичига олади. Ушбу тавсиф ва таснифлар, ўз навбатида, иқтисодий фаолиятнинг якуний натижаларига, яъни тадбиркорлик субьектлари фаолиятида эришилаётган ва кутилаётган натижалар самарадорлигига боғлиқ.

Мана шу нуқтаи назардан қаралганда, амалга оширилаётган чора тадбирлар ва эришилаётган натижалар “Мақбул инвестиция муҳити”нинг мезонларига сезиларли даражада таъсир қилмаяпти, бу эса, уларни янада фаоллаштириш салоҳияти ва имкониятлари ҳали мавжуд эканлигидан дарак беради. Бунинг учун, энг аввало, инвестиция жозибадорлигини таъминловчи мезонларга туман, шаҳар ва вилоятлар кесимида янада аниқлик киритиш хамда шу асосда “Мақбул инвестиция муҳити”ни шакллантиришнинг концептуал асосларини яратиш масаласини кўриб чиқиш лозим. Мақбул инвестиция муҳитини шакллантириш давлат сиёсатининг муҳим, шартларидан бири бўлиб республикадаги туман, шаҳар ва вилоятларнинг ҳар бирини ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта таъминлаш, улар ўртасида рақобат муҳитини фаоллаштириш бозор инфратузилмасини такомилаштириш каби устувор масалаларни ҳал этишга қаратилгандир.

Мазкур устувор масалаларни комбинацион ечими ва уларнинг самараси юқорида қайт қилиндан ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар таснифи ва тавсифининг худудлар бўйича табақалаштирилган ҳолда қабул қилинадиган чора-тадбирлар режасига боғлиқ. Демак мақбул инвестиция муҳитининг ўзига ҳос жозибаси ва ҳаётийлиги юқоридаги омилларнинг таъсирида шаклланиб ривожланар экан, уни илмий-амалий нуқтаи назардан ўрганиш тадқиқ этиш ва мазмун моҳиятини очиб бериш шу даврнинг муҳим вазифалари қаторига киради.

Бир қатор хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг хулосаларида муайян мамлакатда яратилган инвестиция муҳити инвесторлар учун фақат “фойда” келтириши лозимлиги таъкидланади. Бир тарафдан, ушбу мантиқ инвестиция муҳити учун тўғри туюлади, аммо бошқа тарафдан, яъни, инвестор фаолияти нуқтаи назаридан ушбу хулоса билан муроса қилиш қийин. Мақбул инвестиция муҳитини яратиб бериш билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Агар инвестор ўз ишини профессионал даражада яхши ташкил этмаса, у халқаро бозорда рақобатбардош бўла олмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, ПФ-60-сон 28 январь 2022 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон "Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони. www.lex.uz
3. Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонуни - Т.: 1998 й. 24 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонуни - Т.: 1998 й. 30 апрель.
5. Маматов Б.С., Хўжамқулов Д.Ю., Нурбеков О.Ш. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. Тошкент молия институти. – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2014. – 608 б.

ҲУДУДИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШГА ЁНДАШУВ

катта ўқитувчи И. Ҳожибоева (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

Маълумки, ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги ва ҳудуддаги инвестицион муҳит турли туман омиллар мажмуаси билан белгиланади. Шунингдек, саноатнинг ҳар бир тармоғи унга маблағ киритишни ҳоҳловчи ўз инвесторлари таркибига эга. Муайян корхонага маблағ киритилиши имкониятларига эса унинг ишлаб чиқариш технологик хусусиятлари ҳозирда ва келажакда ривожланиши кутилаётган истиқболлари таъсир кўрсатади.

Мўлжалланаётган ҳар бир инвестиция ундан кутилаётган самара билан ҳам, унинг амалга оширилиши жараёнига хос хатарлар билан ҳам характерланади. Шунинг учун инвестицион салоҳиятни ва салоҳият ишга солинадиган муҳитни имконият ва хатарлар ўзаро боғлиқлиги ва бирлиги майдони деб қараш мумкин.

Қонунчилик ҳам инвестицион хатарларни шакллантирувчи муҳим элемент деб қаралиши лозим. Албатта, у биринчи навбатда хатардан ҳимояловчи, хатарни пасайтирувчи омил сифатида олиб қаралади. Лекин, бунинг акси мавжуд ҳоллар болигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Умуман олганда эса қонунчилик муайян соҳа ва йўналишларга, тармоқларга маблағлар самарали киритилиши имкониятларини тартибга солиб беради, ҳудуд инвестицион салоҳиятининг алоҳида таркибий қисмларидан фойдалана олиниши тартибини белгилаб туради.

Инвестицион жозибадорликка турли омилларнинг таъсирини баҳолаш учун алоҳида кўрсаткичлар тизимини шакллантириш зарур. Уларга молиявий-иқтисодий жиҳатдан ликвидлик, даромадлилик, молиявий барқарорлик, инвестицион хатар ва бошқалар киради.

Инвестицион салоҳиятни ифодаловчи кўрсаткичлар:

- ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (хўжалик фаолияти натижалари);
- меҳнат кўрсаткичлари (меҳнат ресурслари, уларнинг сифати, маълумотлилик даражаси);

УСУЛЛАРИ ... 227
PhD доцент Қалмуратов Бахтияр Сейтмуратович (Қорақалпоқ давлат университети)
КОРРУПЦИЯ В ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ... 230
Нарзуллаев Комилжон Собиржонович (НамИСИ)
ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИККА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. ... 232
докторант Мухтаров Махмуджон Марифович, (Андижон машинасозлик институти)
БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ... 234
докторант Исоқов Аҳмадали Эсанбоевич,(Наманган муҳандислик-технология институти)
ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ... 237
и.ф.н. доцент Исматов Рахматилла Олтинович, (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)
ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ. ... 240
и.ф.н.доцент Ибрайим Махкамов, докторант Шаховов Хамиджон Мухамадович, (Наманган муҳандислик-технология институти)
САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН СТРАТЕГИЯНИ ҚЎЛЛАШ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ ... 244
PhD доцент Юлдашева Нилуфар Абдувахидовна (Фарғона политехника институти)
МАМЛАКАТИМИЗДА ЯРАТИЛАЁТГАН ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ... 246
и.ф.д.доцент Абдумалик Бектемиров, стажёр ўқитувчи Озодбек Жумақулов (Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти)
ҲУДУДИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШГА ЁНДАШУВ ... 249
катта ўқитувчи И. Ҳожибоева (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)
KICHIK BIZNES KORXONALARINI INVESTITSION JOZIBADORLIGINI OSHIRISH ... 255
Magistrant Jalalova Muazzamxon Akbarjonovna (Namangan muhandislik qurilish instituti)
ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ... 258
Мухамаджанов Шахриёр Солижанович ("Эл-юрт умиди" жамғармаси)
ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ МАМЛАКАТ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ ... 261
докторант Исакова Наима Икромжоновна (Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институт)
АВТОМОБИЛЬ САНОАТИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ ... 263
мустақил изланувчи Насриддинова Гулчехра Абдурашитовна (Тошкент давлат иқтисодиёт университети)
СОЗДАНИЕ КЛАСТЕРОВ - ОСНОВА РАЗВИТИЯ ПЕРЕРАБАТЫВАЮЩЕЙ ОТРАСЛИ КЫРГЫЗСКОЙ РЕСПУБЛИКИ ... 267
доктор экономических наук, профессор Абдиев Мурат Журатович
ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЮКСАЛИШИ ... 275
Охунов Шохрух Баходир ўғли (ЎзР Давлат активларини бошқариш агентлиги, Мувофиқлашган ҳаракатни таъминлаш департаменти бошлиғи)
АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ... 278
и.ф.н., доцент Сирожиддинов Камолиддин Икромиддинович (Наманган давлат университети)
ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПРЕДПОСЫЛКИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА. ... 285
докторант PhD Расулов Шохрухбек Жахонгирович (Самаркандский институт экономики и сервиса)
ПОЛИТИКА ГОСУДАРСТВА В ВОПРОСАХ ВЫДАЧИ КРЕДИТНЫХ СРЕДСТВ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ ПРОИЗВОДИТЕЛЯМ ... 288